кўрсаткичлар билан белгиланиб, улардан қидирувда эркин фойдаланиш мумкин. Бундай қидирув фақат қисман натижаларни бериши мумкинлигини инобатга олиш керак.

- 2012 йилдан бошлаб фойдаланилган адабиётлар рўйхатининг Web of Scienceда кўрсаткичлар билан белгиланмаган барча ҳаволаларига (китоблар, газеталардаги мақолалар ва ҳ.к.) нашрларга мувофиқ равишда кўрсаткичлар қўйилган (муаллифларнинг, номларнинг тўлиқ рўйҳати ва ҳ.к.). Маълумотларга оид тўлиқ ахборотни кўриб чиқиш учун Show Expanded Titles (Кенгайтирилган номлар рўйхати) тугмасини босинг.

Қидирувни яхшироқ бошқариш учун кўплик сони ва ёзилиш шаклларининг қисқартмаларидан фойдаланинг:

| *№* | *Қисқартириш рамзи* | *Маъноси* |
|---|---|---|
| | * | ҳар қандай миқдордаги рамзлар ёки уларнинг йўқлиги |
| | ? | битта рамз |
| | $ | битта рамз ёки унинг йўқлиги |
| | «» | Topic (Мавзу) ёки Title (Ном) бўйича қидирувларда аниқ сўз бирикмаларини излаш учун сўз бирикмасини қўштирноқ ичига олинг. Масалан, «energy conservation» сўрови бўйича қидирув натижалари аниқ «energy conservation» сўз бирикмаси мавжуд бўлган ёзувларни ўз ичига олади. |

## 2. EBSCO Information Services

### 2.1. Компания ҳақида қичқача маълумотнома

EBSCO Publishing компанияси етакчи жаҳон нашриётлардаги илмий ресурсларнинг йирик таъминотчиси ҳисобланади ва 1944 йилдан бошлаб фаолият кўрсатади.

Бугунги кунда EBSCO – бу:

- барча билим соҳаларини қамраб олган 375дан зиёд тўлиқ матнли маълумотлар базалари;
- 300 000дан ортиқ электрон нашрлар ва аудиокитоблар;
- бутун дунёда 50000дан ортиқ мижозлар;
- EBSCO маълумотлар базаси АКШдаги оммавий ва илмий кутубхоналар сўровномасида энг яхши база деб тан олинган (*Library Journal* маълумотларига кўра).




Рис 3.1. EBSCO Host платформасининг асосий ойнаси

## 2.2. Ресурслар шарҳи

**Business Source Complete** – тўлиқ матнлар ва библиографик маълумотлардан ташкил топган кенг тўпламни ўз ичига олган бизнес бўйича илмий маълумотлар базасидир. Мазкур маълумотлар базаси томонидан таклиф этилган турли нашрлар орасида 1886 йилдан ҳозирги кунгача бўлган даврдаги бизнесга оид энг мухим илмий журналларнинг рефератлари ва кўрсаткичлари мавжуд. Бундан ташкари, 1 300дан ортиқ журналлар учун қидирув имкониятига эга бўлган иқтибос келтиришга ҳаволалар берилган.

**Academic Search Premier** – 46000дан ортиқ журналларнинг тўлиқ матнларини ўз ичига олган кўп тармоқли маълумотлар базаси бўлиб, мазкур журналлардан 3900га яқин номлари олдиндан тақриз қилинган бўлади. 1975 йилдан бошлаб ҳозирги кунга қадар чиққан 100дан зиёд журналлар учун икки нусхадаги файллар PDF форматида тақдим этилган.

**Newspaper Source** - кундалик газеталарнинг маълумотлар базаси ҳисобланади. Ахборот агентликларининг шарҳлари, ҳалқаро ва Америка вилоят газеталаридан танлаб олинган мақолаларнинг ва USA today, Christian Science Monitor, Times (Лондон) тўлиқ матнларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Маълумотлар банки 240дан зиёд газеталарнинг ва бошқа манбаларнинг тўлиқ матнларини ўз ичига олган.

**Health Source** - Consumer Edition - тиббиёт ва соғлиқни саклаш буйича маълумотлар базасидир.

Health Source: Nursing/Academic Edition - соғликни сақлаш бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади.

**Masterfile Premier -** – универсал мазмунга эга бўлган кўп тармоқли маълумотлар базаси бўлиб, илмий ва илмий-оммабоп журналлардаги нашрларнинг библиографик ҳаволаларидан, рефератларидан ва тўлиқ матнларидан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлайди. Умумий йўналишдаги мутахассисликларга доир соҳаларни камраб олиб, маълумотномаларнинг ва биографияларнинг тўлиқ матнларини, расмлар тўпламини, ҳариталарни ва байроқларни ўз ичига олган.

**MEDLINE** – тиббиёт бўйича маълумотлар базаси ҳисобланади. MEDLINE тиббиёт, беморларнинг парвариши, стоматология, ветеринария, соғлиқни сақлаш тизими, клиникага қадар тадқиқотлар ва кўплаб бошқа саволлар бўйича кенг маълумотни ўз ичига олган.

**Library, Information Science & Technology Abstracts (LISTA)-** мазкур база кутубхона фаолиятининг барча жиҳатлари бўйича маълумотларни тақдим этади. 560дан ортиқ асосий журналлар, 50та атрофида устувор журналлар, 125га яқин танланган журналлар кўрсаткичини, шунингдек китобларни, тадқиқотлар бўйича ҳисоботларни ва конференция ишларини ўз ичига олади. Кутубхона иши, классификациялаш (туркумлаш), каталоглаштириш, библиометрия, ахборотдан онлайн фойдаланиш, ахборот бошқаруви ва бошқа кўплаб масалалар таркибида мавжуд. База 1960 йиллар ўртасига мансуб ахборотни ўз ичига олган.

**ERIC (Educational Resource Information Center) -** таълим муаммоларига доир маълумотлар базасидир. Таълим масалаларига доир мақолалар тўпламининг тўлиқ матнларидан эркин фойдаланиш имкониятига, шунингдек таълим мавзусига оид илмий журналлардаги мақолалар тавсифларига ва рефератларига эга.

**GreenFILE** – мазкур база атроф муҳитни инсонга бўлган таъсирининг барча жиҳатларини қамраб олган батафсил ахборотни тақдим этади. Глобал исиш, экологик қурилиш, атроф муҳит ифлосланиши, қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланиши, қайта тикланадиган энергия манбалари, чиқиндиларни қайта ишлаш ва бошқаларни ўз ичига олган илмий, давлат ва оммабоп ишлар тўплами ҳисобланади. Таҳминан 384000 ёзувлар учун рефератлар ва мавзулар кўрсаткичлари (индекс), шунингдек 4700дан ортиқ ёзувларнинг тўлиқ матнларидан эркин фойдаланиш имкониятини тақдим этади.

**AHFS Consumer Medication Information - AHFS Consumer Medication Information - -** касаллар учун дори-дармонлар ҳақидаги намунавий ахборот манбаи ҳисобланиб, инглиз ва испан тилларида эркин фойдаланиш имкониятини беради. Америка соғликни сақлаш тизимидаги фармацевтлар жамияти (AHFS) томонидан нашр этилган мазкур ресурс дори-дармонлар бўйича ахборотларга эга бўлган минглаб монографияларни ўз ичига олиб, истеъмолчиларга тушунарли бўлган тилда баён этилган.

**Regional Business News** – бизнесга доир минтақавий нашрларнинг тўлиқ матнли батафсил материалларини ўз ичига олган маълумотлар базаси ҳисобланади. Regional Business News АКШнинг барча йирик шаҳарларидаги ва қишлоқларидаги 80дан ортиқ минтақавий нашрларни ўз ичига олади.

**Business Source Premier** – бизнес соҳасидаги тадқиқотлар бўйича маълумотлар базаси бўлиб, 2300дан зиёд журналларни ва 1100дан ортиқ тақриз қилинган нашрлардаги мақолаларнинг тўлиқ матнларини ўз ичига олган. Мазкур базада 1998 йилдан бошлаб

келтирилган ҳаволалардан қидирувда фойдаланиш имконияти ва манбаларнинг тўлиқ матни тақдим этилиб, улардан энг барвақти 1886 йилга мансуб.

## 2.3. Қидирув имкониятлари

Қидирув сатрига **search.ebscohost.com** манзилни киритамиз **Academic Search premier** ҳаволасини белгилаймиз ва **Продолжить – Давом эттириш** тугмасини босамиз.




Қидирув сатрининг чап томонида ташкилотингиз номи ёки тамғаси бўлади. **Идет Поиск– Қидирув бажарилмоқда** бўлимида қидирув бажарилаётган маълумотлар базаси кўрсатилади.



**Параметры Поиска – Қидирув параметрлари (шартлари)** ва **Расширенный Поиск– Кенгайтирилган қидирув** менюларида ресурснинг тўлиқ матни, санаси, тасвир тури, саҳифалар сони ва ҳ.к. каби қўшимча шартларни белгилаш орқали қидирувни кенгайтиришимиз мумкин.




**История поиска - Қидирув тарихи** менюси EBSCOHost тизимига олдинги сафар кирганимизда, нимани қидирганимизни кўрсатади.

8. Юқорида жойлашган меню қуйидаги ҳаволалардан иборат:

**Новый поиск – Янги қидирув** – барча қидирув шартларини ўчиради ва search.ebscohost.com тизимининг бош саҳифасига қайтаради

**Издания – Нашрлар** – керакли нашрни топиш учун даврий нашрларнинг тўлиқ рўйхатини чиқариб беради

**Тематические термины – Мавзули атамалар** – қидирувни қулай бажариш учун иборалар тўплами

**Цитируемые источники – Иқтибос келтирилган манбалар** - бошқаларга нисбатан кўпроқ иқтибос келтирилган ресурсларни излаш

**Изображения – Тасвирлар** - график тасвирларни излаш

Мисол сифатитда қидирув сатрига «technology» сўзини киритамиз. Очилган рўйхатда бу сўз учрайдиган жумлалар берилади. «Technology and education» жумласини танлаймиз.










Қидирув натижаси бизга 178 264та ресурсни чиқариб берди. Булар орасида мақолалар, тасвирлар, илмий журналлар, китоблар ва ҳ.к. борлигини инобатга олишимиз керак. Чап томонда барча қидирув мезонлари кўрсатилиб, улар орқали қидирувни чеклаш мумкин, масалан, муайян журналнинг бир тилда ёзилган ва маълум бир йилда чиққан сонини топишимиз мумкин ва ҳ.к.

**Қуйидаги мезонлар бўйича чеклаш**:
- **Полный текст** – **Тўлиқ матн** - агар бу жумлани белгиласак, қидирув натижаси мазкур мавзуга оид тўлиқ матнли мақолаларни чиқариб беради.
- **Доступны ссылки на литературы** – **Адабиётларга келтирилган ҳаволалардан фойдаланиш** - қидирув натижаси тўлиқ матнли маълумотлар манбасини кўрсатган ҳолда ресурснинг аннотациясини (қисқача баёнини) чиқариб беради.
- **Научные журналы** – **Илмий журналлар** - фақат илмий журналлар бўйича қидирув ҳисобланиб, бунда изланаётган жумла калит сўзи ҳисобланади.
**Дата издания** – **Нашр санаси** - журнал, мақола, китоб ёки бошқа ресурс чоп этилган вақт оралиғи.

**Термин толкового словаря** – **Изоҳли луғатнинг атамаси** - изланаётган жумла билан боғлиқ бўлган калит сўзлар.
**Тема** – **Мавзу** - илм-фан соҳаси.
**Издательство** – Нашриёт - мазкур калит жумлалар бўйича материалларни чоп этадиган нашриёт.
**Издание** – **Нашр** - бу жумла учрайдиган журнал номи.
**Компания** – мақолаларида ёки ҳисоботларида изланаётган жумла учрайдиган компания номлари.
**Язык** – нашр тили.
**География** – нашр жойи, мақола муаллифининг манзили.

Агар биз сўнги 8 йил мобайнида таълим бериш бўйича «technology and education» ибораси мавжуд бўлган илмий журнални топишни истасак, қуйидагиларни бажарамиз:

- **Ограничение по – Полный Текст –** тўлиқ матн бўйича чеклаш
- **Дата издания – Нашр йили –** 2008 йилдан 2016 гача
- **Виды источников – Манба турлари -** Илмий журналлар
- **Термин толкового словаря – Изоҳли луғатнинг атамаси –** educational technology
- **Тема – Мавзу -** studying and teaching
- **Язык – Тил -** English




Белгиланган мезонлар бўйича қидирув натижасида биз 89та тўлиқ матнли мақолаларни аниқладик. Қидирув шартлари чап томондаги панелда кўрсатилган. Ҳар бир мақоланинг остида **Полный текст PDF - Тўлиқ матн PDF форматида** ва мазкур мақоланинг **Размер файла в PDF- PDF форматидаги файл ҳажми** ҳаволалари бўлиб, улар орқали мақолани компьютерга юклашингиз ёки браузерда кўриб чиқишингиз мумкин.

Қуйидаги расмда PDF форматидаги файл намунаси берилган.




## 3. ProQuest

### 3.1. Компания ҳақида тарихий маълумотнома

**ProQuest -** Америка компанияси бўлиб, барча билим соҳалари бўйича электрон ахборот ресурсларнинг энг йирик жаҳон таъминотчиси ҳисобланади ва 1960-йиллардан бошлаб фаолият кўрсатади.

2007 йилнинг феврал ойидан бошлаб CSA (Cambridge Scientific Abstracts) – реферaтив-библиографик маълумотлар базаларининг энг йирик жаҳон нашриёти билан ProQuest Information & Learning – тўлиқ матнли ахборотларнинг энг йирик жаҳон таъминотчисини бирлашиши натижасида замонавий ProQuest компанияси ташкил топган.

Мазкур таъминотчининг маълумотлар базаси энг аввало олий таълимга, илмий тадқиқотларга ва амалиётга йўналтирилганлиги боис, дунёнинг турли мамлакатларидаги университетлар, илмий ташкилотлар, компаниялар ва корпорациялар ушбу компаниянинг асосий обуначилари ҳисобланади. Ресурсларнинг умумий миқдори асосий фан соҳаларининг деярли барча мавзули бўлимлари: техник фанлар ва энг сўнгги технологиялар, табиий, ижтимоий ва гуманитар фанлар, бизнес, бошқарув, иқтисод ва санъат бўйича 1 500дан зиёд маълумотлар базаларидан иборат.

ProQuest таркибига журналлардаги юз минглаб мақолалар, бутун дунё бўйлаб чоп этилаётган 60 мингдан ортиқ нуфузли журналлар, 700 000дан зиёд китоблар, дарсликлар,